

*Йұлдош Жұмаев*

# **Бир күн мени севиб қоласиз**

*Шеърлар*

*Тошкент  
«Яңғы аспр авлоди»  
2007*

84(59)6-5

Сўз сеҳри. У мисли кўрилмаган куч-қудратга эга. У орқали яратилган ижод намуналари эса ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб одамларни бедорликка чақириши, вижданини ўйғотиши мумкин. Йўлдош Бобојон шеърларида ҳам Ватан мадҳи, она табиат, она, аёл сиймоси, инсон тақдиди тараннум этилади.

Хукмингизга ҳавола этилаётган шоирнинг навбатдаги шеърлар гулдастасидан таркиб топган тўплам ҳам сиз азизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

HO 33450  
291

ISBN 978-9943-08-195-6

© Йўлдош Жумаев. «Бир кун мени севиб қоласиз».  
«Янги аср авлади», 2007 йил.

200766  
A5346 Alisher Navciy  
nomidagi  
O'zbekiston M

## ГҮЗАЛ ШЕҮР ҚАЙГУСИ

Йиллар ўтаверади. Ёшимиизга ёш қүшилиб, фикримиз, ҳаётга муносабатимиз ҳам вазминлаша боради, лекин болаликни, қишлоқда ўтган, ота-она бағридаги беғубор дамларни, күча чангитиб юрган кезларимизни, илк муҳаббат изтиробларини эслаганда қалбимиз қайта-қайта ёшаради. Ўтган төтли онларни ёдга олиб, беихтиёр жилмайиб қўямиз. Чунки меҳр оғушидаги ўша соғинч дамларни ҳеч бир хотираға алмашиб бўлмайди.

“Бир кун мени севиб қоласиз” деб номланган шеърий китобчага кўз югуртириб шулар хаёлдан кечди. Ўша ғамсиз-ташвишисиз болаликка, биринчи муҳаббатнинг аччик лаззатига қайтгандек бўлдим. Китоб муаллифи — ҳаёт тажрибаси катта — Йўлдош Жума бир одамни шоирга айлантира оладиган кўнгил, шу кўнгилга жо бўлган хотира, армон, ҳавас, изтироб эгаси. Шу бетакрор олам унинг шеърларида акс этиб турибди.

Тилагимиз шуки, яхши шеър орзуси, шеър ҳаваси, гўзал шеър қайгуси Йўлдош Жуманинг қалбини ҳеч қачон тарк этмасин. Унинг келажакдаги ёзган-чизганларига янада теранлик, бетакрорлик ва бугунги ўй-хаёлларидаи софлик, кўлдан-кўп машақ-қатли меҳнат ортидан келадиган мукаммаллик ошно бўлаверсин!

Салим АШУР

## БИР КУН КЕЛИБ СЕВИБ ҚОЛАРСИЗ

Мен аҳдимни бир ён ташладим,  
Ё кимнингдириң күнглини ғашладим.  
Тақдиримни шундай бошладим,  
Мен ўзимни сизга бағишиладим,  
Бир кун келиб севиб қоларсиз.

Мен бир қизман соқов ва сўқир,  
Кўлларим гул териб баҳтимни тўқир.  
Ҳақнинг ўзи мағфират ўқир,  
Ўзимни сенга ташладим, тақдир,  
Бир кун севгимни сезиб қоларсиз,

Ташламадим ҳеч кимга назар,  
Ой ҳам мендан қилгандир хазар.  
Менга бирор бермаган озор,  
Ишқ қалбимда қилмади бозор,  
Сиз севгимга сеҳр соларсиз.

Сизга ёқмас, кимгадир ёқар,  
Дарё ҳам бир қайрилиб оқар.  
Садоқатим ишқ ўтиң ёқар,  
Баҳтим шунда қайрилиб боқар,  
Шунда мени севиб қоларсиз.

Тўйдан кейин севганим яхши,  
Достон ўқинг мен учун, баҳши.  
Битта севги ҳаётнинг нақши,  
Шундай қилсан бўларму яхши,  
Унда мени излаб топарсиз.

## ЗУЛФИНГ БИЛАН ЎЙНА БИРПАС

Анов тоғдан нари тоғда,  
Эрта хазон бўлган боғда,  
Мени қолдириб додга  
Юрак армонларим қолган.

Менинг қалбим яна ёнди,  
Алам ёниб қалам олди.  
Ҳижрон менга исён солди,  
Ширин умидларим қолган.

Тақдир ёмон кулиб боқди,  
Дарё тўлиб фифон оқди.  
Қалбимга бир олов ёқди,  
Дард ўрнида додлар қолган.

Сен ҳам мендек ўйлармисан,  
Юрган йўлим бўйлармисан,  
Дардинг айтиб сўйлармисан,  
Орзу бўлиб ўйлар қолган.

Ойлар тўлса ўйласанг бас,  
Ишқ ўтида бўлсанг сармаст.  
Зулфинг билан ўйна бирпас,  
Кўлларимнинг изи қолган.

## АЗИЗ ОНАЖОНЛАРИМ

*Қүёшни аввалроқ күрган,  
Озор бермай жуфті ёнидан турған,  
Иссіқ нон ёпиб, кулча пишириб,  
Құшни боласига бириңчи берған,  
Юртим эъзозлаган, Онажонларим.*

*Меҳрингиз доимо боланғиз томон,  
Ҳар бир сүзингиз бизга меҳрибон.  
Ой ҳавас қиласар сизларга ҳамон,  
Юлдузингиз порлаган ўтса қай замон,  
Юртим келинлари, Онажонларим.*

*Замона зайли деб тенг бўлмади ҳеч,  
Эрта ётиб, кеч турмади ҳеч,  
Ялламиз қадим, алламиз қадим,  
Замондан орқада ҳеч қолмади кеч,  
Олимса, оқиласиз, Онажонларим.*

*Дунёда қайси давлат, қайси бир миллат  
Онани эъзозлаб қурдирған қаср?!  
Бибихоним, Моҳларойим, Зулфия аспи,  
Жаҳонни лол қолдирған Тоғж Махал қасри,  
Шунчалар азизсиз, Онажонларим!!!*

## ЧИРЧИҚ

Азим Тошкентнинг мезбони Чирчиқ,  
Жаннат бешиги, меҳмони Чирчиқ.  
Ҳар томонда Жаннат сувидир Чирчиқ,  
Меҳрибон мезбон, бағрикенг Чирчиқ.

Насиб этсин азим шаҳарлар —  
Бухоро, Самарқанд, Хиванинг ёши.  
Сувларингга салом берсам саҳарлар,  
Эзгу ниятларим амалга ошар.

Дунёда денгиз сувлару ҳам сероб,  
Сочинг тараивергин дарёга қараб.  
Кўзларинг тегмасин, сувларинг сероб,  
Сувинг ичганлар ичмайди гулоб.

Чирчиқ сувлари — Сирдарё сеҳри,  
Сувин ичганларнинг ошади меҳри.  
Саратон чилласида баҳорсан, шаҳрим,  
Жаннат сувларининг макони Чирчиқ.

## БУНДАЙ ДАВРОН ҚАЙДА БОР ЭДИ

Қай замонда, қайси мунажжим  
Бу давронни туш кўрган эди.  
Куриганди кетиб мажсолим,  
Курт танамга уй қурган эди.

Олма пишиб тагига тушди,  
Бирор еса, бирор хор қилди.  
Ўз танасин ўзи емаса,  
Бирин отиб, жуфтин тоқ қилди.

Туғиб берди бирор боласин,  
Алла айтди унга тасмада.  
Авлодимда чиқиб оласи,  
«Шурик» дейишарди ўзин боласин.

Бола келиб «пахан» демаса,  
Нон, ош, сув ҳам йўқ эди.  
Иймон, ислом ўзи бўлмаса,  
Бундай даврон қайда бор эди.

Табаррук бўлди ўзбек дўпписи,  
Зар тўйлар «пахан»нинг елкаларида.  
Атлас, ипак, адрас унинг «хоббиси»,  
Ўзбек куйларига ўйнар «ёлкада».

Бу давроннинг ўзи бўлгани йўқ,  
Юрак яраланган отиласдан ўқ.  
Шаҳид кетганларнинг руҳлари алам,  
Истиқболинг қадрига етгин-да, болам.

## ХҮРЛИК КҮРМАЙЛИК

Охларингни эшиңди фалак,  
Орзулари ушалган әлим.  
Юрагингда армонлар лак-лак,  
Авлодлари табаррук әлим.

Қаторингдан норинг кетмасин,  
Норинг кетганды оринг кетмади.  
Юртни ташлаб ҳеч ким кетмасин,  
Фанимлар бор ҳали, кетмади.

Қорни түқ-у, очлар ҳали бор,  
Үзидан бошқа ўйлар ғами йўқ.  
Ҳали қалбимдан кетмаган ғубор,  
Отам кўз ёшлигин унутганим йўқ.

Замонлардан қолган ҳар чандиқ  
Юрагимни минг бор эзади.  
Тўларкан-ку ҳар уйда сандиқ,  
Энди дунё кўриб, жаҳон кезади.

Мустақиллик аслида ҳурлик,  
Бир ҳалқ бўлиб бирлашса эллар.  
Ҳеч замонда кўрмайди ҳурлик,  
Бир қалб бўлиб бирлашса диллар.

## **БОРИ БИЛАН АЛЛОХ АСРАСИН**

*Бир мен эмас, чумолининг ҳаққи бор,  
Даррандаю парранданинг ини бор.*

*Бүрилару қашқирларнинг уйи ғор,  
Үйламагин бу заминда бир мен бор.*

*Құнғизлар ҳам болам дейди гүңг титиб,  
Асрар боласини тишларида беркитиб.  
Ризқин терар туни билан ов кутиб,  
Әгасиз қолмас бу заминдан сен кетиб.*

*Бу заминда фақат сенинг ҳаққинг йүқ,  
Йлонлар ҳам умидвордир, күнгли түқ.  
Нишон қилиб безабонга отма ўқ,  
Бириң отсанг бўлмайди-ку күнглинг түқ.*

*Сен қарасанг бир ўзинг томон,  
Ҳақ яратган жониворлар ҳоли ёмон.  
Денгизинг ҳам қуриб кетмоқда ҳамон,  
Ҳаққа етармидинг сен қолиб омон.*

*Боғларингда булбулларинг сайрасин,  
Оҳуларинг тоғларингда яйрасин.  
Боринг билан Аллоҳ ўзи асрасин,  
Бу заминга бергин юрак парчасин.*

## ИСТИҚЛОЛИМ АБАДИЙ КЕЛДИ

Истиқлолда қайта туғилдим,  
Интиқоммас, истиқбол учун.  
Бу кунгача қанча бүғилдим,  
Билмай қандай яшамоқ кучин.

Кимлар учун ҳеч ким бўлмадим,  
Кўз ёш тўймай, йиглаб тўймадим.  
Отам дерди: — Бундан ўлмадим,  
Сабабини энди ўйладим.

Яшашим керак яшамоқ учун,  
Хур диёрим иқболи учун.  
Бобом руҳин шод этмоқ учун,  
Отасиз хўрланган, ҳам отам учун.

Мен ҳам дардим айтар кун келди,  
Ой кулиб боққан ёруғ тун келди.  
Ишонинг, истиқлол абадий келди,  
Тушда кўрганларим ўнгидан келди.

Ўтган кунлар биз учун синов,  
Мен ҳеч кимга бўлолмайман ёв.  
Бирор қабрига кирмайди бирор,  
Гофилларга бу ҳам бир синов.

## УМИДВОР БҮЛИБ ЯШАЙМАН

Умидвор бўлиб яшайман,  
Қайтмас бўлиб кетдинг-ку ўзинг.  
Сенсиз энди қандай яшайман,  
Топилмадиму бир оғиз сўзинг.

Муҳаббатиму меҳримни олдинг,  
Ёшлигим баҳори, сеҳримни олдинг.  
Юлдуз санаб мен қолавердим,  
Вафосизим, мени не кўйга солдинг.

Умримнинг баҳори, ёзлари ўтди,  
Гуллари уфурган созлари ўтди.  
Наҳотки умрим ўтиб қазойим етди,  
Қабоҳат ҳукмрон, садоқат кетди.

\* \* \*

*Баҳор алдансын қишига ишониб,  
Саҳар ҳам алдансын булутили кунда.  
Йигит алданмасын қизға ишониб,  
Күрган күнлари айланар тунга.*

*Баҳор ҳам гуллайди, эрийди қорлар,  
Тонг ҳам отади кетиб губорлар.  
Келин боғида хазон бўлди гулзорлар,  
Баҳор ўтиб кетди, гулламай боғлар.*

*Гуллар хазон бўлди сенинг йўлингда,  
Тунлар бедор бўлди сенинг йўлингда.  
Тиллар бийрон бўлди сенинг йўлингда,  
Ҳаммаси бир ён бўлди сенинг қўлингда.*

*Мехр бир ён қолди, садоқат бир ён,  
Алдамчи қиз қолди, қабоқат бир ён.  
Мұхаббат ўрнида маломат бир ён,  
Йигит қалбида қолди оловли исён.*

## ФОФИЛЛАРДАН ОГОХ БҮЛИНГ

Ватан учун жангга кирмай,  
Ярадорсан, ёвни күрмай,  
Үттиз-қырқ ёшни күрмай,  
Чимидиқни күриб, ё күрмай,  
Эл бошига түфон келди.

Зиё ахли, оч күзингни,  
Фофилларга айт сүзингни.  
Мозийга қайт, оч юзингни,  
Истиқболға бер үзингни,  
Унұтмагин Чүлпон сүзини.

Хозир ҳам бор падаркушлар,  
Ватан сотиб дилин хушлар.  
Ғанимларнинг құлин ушлар,  
Фофилларни йүлга бошлар,  
Беҳбудийнинг күзин ёшлар.

Қодирийлар ови бүлди,  
Бегуноҳ отилиб маҳв бүлди.  
Билиб-билмай бүйин бүлди,  
Түрингдаги гүринг қайдада?  
Үз элида ғаним бүлди.

Биз билмаган шаҳидлар күп,  
Отишдилар қилиб түп-түп.  
Исломинг бўлмаса, ўйла хўп,  
Огоҳ бўл, ғаним уруғи ҳали кўп,  
Огоҳ бўлган замон бўлди.

## ... ЯРИМ ЙҮЛДА ҚОЛИБ КЕТДИ

Совчиларни ғанимларим қайирдилар,  
Тақдир бизни ярим йүлда айирдилар.  
Мен ғарибнинг кўнглини хўрлаб бойирмилар,  
Таним менда, руҳим сенда қолиб кетди.

Совчиларга кимдир сени сўқир дебди,  
Яхши бўлса, куёв биздан чиқар дебди.  
Тўнин силкиб совчилар ҳам уйга қайтиб,  
Кулиб турган баҳтим мендан олиб кетди.

Совчилармас, аслида-ку ўзим гумроҳ,  
Юрагимни тингласайдим, қилмай оҳ-воҳ.  
Энди менга қайси кўнгил бўлар ҳамроҳ,  
Ҳамроҳларим менга алам солиб кетди.

Бошқасига кўнгил қўйиш қийин бўлди,  
Севгисиз ҳам яшаши бир кун тайин бўлди.  
Кимларгадир тақдир иши ўйин бўлди,  
Менга қўшилиб бир бегуноҳ ёниб кетди.

Ёндирилар, куйдирдилар, жисмим қолди,  
Бир умрга айрилишдик, исминг қолди.  
Юрак ёниб, сени деган қисмим қолди,  
Бир бўлаги сени излаб қолиб кетди.

## МУҲАББАТИНГ СОЧИЛИБ КЕТДИ

Менгача сен ҳам ягона эдинг,  
Мени ташлаб кетмагин, дединг.  
Бор меҳрингни тўкиб бердинг,  
Муҳаббатинг сочилиб кетди.

Тилинг дилингни алдай бошлади,  
Май ичиб кўнглинг хушладинг.  
Мен йўқман, кимга ташладинг,  
Муҳаббатинг тўкилиб кетди.

Баъзида ишқинг кўчада қолди,  
Кўчада кимлар гар нигоҳ солди.  
Сенга ўхшаганни йўлига солди,  
Бегона қалбга тўқилиб кетди.

Мағур эдинг гулга ўхшатса,  
Кўлдан қўлга олиб ўйнатса.  
Қалбин фақат сенга михлатса,  
Хою ҳавас учирив кетди.

Кўчадаги бугун кўчага кетди,  
Кимдир мени маҳлиё этди.  
Бошқа бир ёр етаклаб кетди,  
Менинг баҳтим очилиб кетди.

Ишқинг фақат ёрингда бўлсин,  
Муҳаббатинг уйингда бўлсин.  
Бир меҳрга икки қалб тўлсин,  
Сенинг муҳаббатинг сочилиб кетди.

## МОЗИЙГА ҚАРА

*Машраб ғазаллари бағримни эзди,  
Бобурни ўқиб хаёлім тоғларни кезді.  
Сизларни севишдан юрагим безди,  
Хәёсиз юрманглар, сева олмайман.*

*Тарихни ўрганиб мозийни севдим,  
Баҳор осмони, мовийни севдим.  
Увайсийни ўқиб, Мөхларни севдим,  
Улардан бошқани сева олмайман.*

*Хайёмни ўрганиб майдан ҳам кечдим,  
Навоий учун боримдан кечдим.  
Бекадр қолган севгимдан кечдим,  
Яна қайтиб сени сева олмайман.*

*Яссавий ҳикматлари иймонли қилди,  
Фирдавсий фалсафаси инсофли қилди.  
Хаёллар ақлимни бегона қилди,  
Иффатли бўлмасанг, сева олмайман.*

*Луқмони Ҳаким айтди, қилмадим.  
Дўстларни ҳам назарга шлмадим.  
Мен ўзимнинг қадрим билмадим,  
Энди ўзимни ҳам сева олмайман.*

*Мозийга қара, қайта чоғланди,  
Иймонсизнинг қалби доғланди.  
Иболи қизларга меҳрим уйғонди,  
Сизлардан бошқасини сева олмайман.*

## КҮРМАГАННИНГ КҮРГАНИ ҚУРСИН

Бозордаги күзлар бошқача,  
Түйлардаги юзлар бошқача,  
Мақтанишлар сүзлар бошқача,  
Күрмаганнинг күргани қурсин.

Мағрур күзлар ҳам айёр күзлар,  
Борини ҳам, йүғини сүзлар.  
Ерда уйи йүқ, ойни күзлар,  
Күрмаганнинг күргани қурсин.

Бирни синааб, тахт берібди,  
Синаш учун нақд берібди.  
Кимга тұлық баҳт берібди,  
Күрмаганнинг күргани қурсин.

Бозор бориб бозор бўлди,  
Үйга қайтиб мозор бўлди.  
Ҳасад тўлиб ҳазор бўлди,  
Күрмаганнинг күргани қурсин.

Оч қолганда бозорга бор,  
Тўйиб кетсанг мозорга бор.  
Чин тўймасанг сабр ҳам бор,  
Күрмаганнинг күргани қурсин.

## ТҮРТЛИКЛАР

Гуллар очилсин сенинг бөгингда,  
Ушалсин орзуларинг ҳаёт йүлингда.  
Лабингдан бұса олмасин бирор,  
Яширмасдан айт, ким сенга күёв?

\* \* \*

Гул узатдым сенга бир қучок,  
Уялмасдан олгин сен шу чоқ.  
Лолазордан тердим мен лола,  
Ялинаман, олгин бир дона.

\* \* \*

Достон битай бүгүн сен учун,  
Юрак ўртанданда үқимоқ учун.  
Түкілмасин бекінде күз ёш  
Сенга байтларин битади Йүлдош.

\* \* \*

Күзингда күрсам агар ёш,  
Қалбим бунга беролмас бардош.  
Хар дона ёшингга ашъорлар битиб,  
Бахтдан таҳтлар тилайди Йүлдош.

## ТУШДА ИЗЛАДИМ

*Сени излайман тунда уйқусиз,  
Күзларим юмуқ, юрагим титраб.  
Саҳрова юрганшишман танҳо ва унсиз,  
Кұлларим пайпаслар садосиз, сенсиз.*

*Қалбим үзимни қийнади бу кун,  
Бунча узоқ бўлмаса бу тун.  
Сувсиз саҳронинг чети кўринмас,  
Узоқдан кўринган гулдур, саробмас.*

*Фалакдан узатди менга гулдаста,  
Кўл чўзиб қадам босдим оҳиста.  
Кувончдан уйғониб боқсам аста,  
Суратинг қўлимда, юрагим хаста.*

## МУҲАББАТ

*Шоҳ Бобурни йиғлатиб қўйдинг,  
Ҳазрат Навоийни ёлғизлаб қўйдинг.  
Ширин, Лайли, Мажнун, деб куйдинг,  
Керак эмас менга бундай муҳаббат.*

*Дунё қасрига ҳам сиғмади  
Шоҳ Жаҳоннинг ишқ-муҳаббати.  
Кумушбиби зор-зор йиғлади,  
Керак эмас менга бундай муҳаббат.*

*Машраб девонида бўзлади,  
Ишқий достонида ёниб сўзлади.  
Дорда ҳам ишқдан умид узмади,  
Керак эмас менга бундай муҳаббат.*

*Меҳр билан боқса кўзингга,  
Муштоқ бўлса ҳар бир сўзингга.  
Ишқин айтган фақат ўзингга,  
Керак менга шундай муҳаббат!*

## ТҮРТЛИКЛАР

Агар бўлсанг бир балога мубтало,  
Бирдан пайдо бўлур дардлар, алҳазар.  
Минг бор уқиб, бир бор қилсанг мутолаа,  
Қолмагайсан ҳеч замонда элдан беназар.

\* \* \*

От сурганды қоқилган бўлса,  
Огоҳ бўлгин, кейин давронда.  
Унинг ёнида огоҳ бўлмасанг,  
Сени лол қолдирап яна бўронда.

\* \* \*

Зор бўлганда ўзинг хор қилма,  
Бор бўлганда сен ҳам ор қилма.  
Бўлмаганды бўлишиб бошинг,  
Ўзингни ўзинг энди хор қилма.

## СЕВИШИНГНИНГ ЎЗИ ЯРИМ БАХТ

Ҳазрати Навоий айтмаган бекор:  
«Инсонни онг айлади жудо ҳайвондин».  
Меҳрсиз, иймонсиз, қанчалар беор,  
Яшаб ўтмоқда умри гумондин.

Одамлар орасыда одамлар яхши,  
Ҳайвон оласини ажратмоқ яхши.  
Мен дүстимни ҳақдин изладим,  
Ҳақдин ўзгани билмадим яхши.

Меҳр куттмагин мендан, муҳаббат,  
Изламадим севгининг сирин.  
Бошимдан қуиib ичсам ҳам шароб,  
Ҳақни севаман қуиib муҳаббат.

Севгига эришмай яшаб ўтсанг ҳам,  
Маҳрум бўлсанг муҳаббатдан ҳам,  
Ишқнинг оловида ёнмаганлар кам,  
Яшамоқда одамга ўхшаганлар ҳам.

Аллоҳнинг бир бандасин севиши,  
Севмаса ҳам севиши бир баҳт.  
Муҳаббат деб ёниб ўтмагин,  
Севишингнинг ўзи ярим баҳт.

## БОЛА – АЗИЗ, ОДОБИ ҮНДАН АЗИЗ

Ҳали бола, улғайсın, дедим,  
Яхшиларга қилмадим ҳамроҳ.  
Онамгамас, боламга бердим,  
Йүқ, шайтонда энди не гуноҳ.

Полвон болам, шўх болам, дедим,  
Тош отганда қўшни болага.  
Барчаси ёлғон, болам ҳақ, дедим,  
Энди қолди шайтон балога.

Ота-она, юртни ҳам билмай,  
Бола солди бозорга борин.  
Катта-кичикни ҳам назарга илмай,  
Ўйламади дўсту ёрини.

Шайтонга шерик аслида ота,  
Гуноҳлари кўп ҳалқи олдида.  
Замон — ёмон, деб қарғайди она,  
Болам ёмонларга шерик бўлди-да.

Нон, туз қадрини билмаган бола  
Ота-она қадрин қаердан билсин?!  
Осмонда парвоз қилган ҳар бола  
Эл-юрг қадрини қаердан билсин?!

## ОТАМ АРМОНЛАРИ

*Йигитнинг құрғони бүлгани яхши,  
Отаси билан мағрур юргани яхши.  
Қаср керакмас кошона нақшли,  
Елгиз үғил етим қолмагани яхши,  
Отам ёлғизлиги мени йиғлатди.*

*Боласин ҳидига түёлгани йүқ,  
Опичлаб елкасида от бүлгани йүқ,  
Тойлар етаклаб түй қилгани йүқ,  
Қотиллар бегона ёв бүлгани йүқ,  
Бобом қотиллари мени йиғлатди.*

*Бола етим қолиб ким түйиб қолди,  
Кимнинг оғзидан ош-нөнин олди.  
Давлатин еғанлар, давлатсиз қолди,  
Аллоҳ ұақ әлда савлатсиз қолди,  
Отам армонлари мени йиғлатди.*

*Жарлар бүлди топган, ётган макони,  
Тоғлар бүлди томган жигари қони.  
Еш бошида ғам-андуұхлар мақоми,  
Қайси ўрмон бүлди бобом макони,  
Отам бүзлагани мени йиғлатди.*

*Отам деб йиғласа болам дегувчи,  
Нидоларни бүзлаб, ахтариб ўтди.  
Ұғлин ўстириб сабоқ берувчи*

Ота боласини күрмасдан кетди,  
Отам сүзлагани мени йиғлатди.

Қабрин топмай руҳин топғандир,  
Үткінчи дунё охин айтғандир.  
Охлари ҳаққа бориб етғандир,  
Алоҳ ҳақ руҳлари арида ётғандир,  
Отам руҳлари мени йиғлатди.

## ТҮРТЛИКЛАР

Үзгани хор қилиб, оринг битса гар,  
Гадолигинг яхши, бўлсанг ҳам заргар.  
Бир ғарив корига ярасанг агар,  
Бойсан, бойлардан бўлсанг ҳам абгор.

\* \* \*

Ватанни ўйлама ўзлигинг билмай,  
Савобни ўйлама саховат билмай.  
Ўтасан вафо кўрмай, меҳр ҳам билмай,  
Ўзгага ўзингни фидойи қилмай.

\* \* \*

Ўқувинг бўлмаса, уқувинг бўлмас,  
Аҳоринг бўлмаса, охиринг бўлмас.  
От миниб узоқни кўрмасанг,  
Икки дунёда сенга ҳеч ким зор ўлмас.

\* \* \*

Рұхларга дастурхон, неъмат керакмас,  
Тирикликда иззат, ҳурмат қилсанг бас.  
Қабрин обод қилиб, мағфират тилаб,  
Мұхтожларга хайру эхсон, савоб қилсанг бас.

## ХАЁ ЛИБОСИНГИЗ БҮЛСИН

*Аллоҳ вәъда берган жаңнамат сизни,  
Жаңнаматда яралған саңыат сизни.  
Гүзалсизлар, пари, фаришта сизлар,  
Хаё либосингиз бүлсин-да, қизлар.*

*Сизларни қызғанмаслик гуноҳ бизни,  
Сизни деб жон берган мардлар сизни.  
Девоналар бүлгап Қайслар сизни,  
Ибо юзингизда күлсин-да, қизлар.*

*Тоғларни қулатди Фарҳод сиз учун,  
Қасрлар қурдирған Шоҳлар сиз учун.  
Йигит мард бүлса бүлди, чирой сиз учун,  
Сабр йўлдошингиз бүлсин-да, қизлар.*

*Савобдур уч марта қараши яхшига,  
Таъзим қил Барчинойдан айтган баҳшига.  
Рўзгоринг тўлдир севги нақшига,  
Иймон қалбингизда бүлсин-да, қизлар.*

*Қутлуғ бүлсин, қизлар, босған изингиз,  
Ёруғ бүлсин доим ойдек юзингиз.  
Йўлдош кўрмасин кўзда ёшингиз,  
Баҳтли бўлишга ҳақлисиз, қизлар.*

## ТОЖИК ҚИЗЛАРИ

Аллоҳ ўзи назар қилди, маликалар хазар қилди,  
Бир парини хазор қилди, бир-биридан ор қилди.  
Гўзал тоҷик қизлари, мағрур ўсган мажнунтол,  
Сочларин кўриб уялган, гуллардан сўрсам ол.

Қизларга қараб бўянган, пари тоҷик қизлари,  
Ҳар юзида “се” малак, хушбўй ҳидли сумалак.  
Етишолмай мен ҳалак, ахтариб топдим малак,  
Насли тоҷик қизлари, уялиб ой эгилди.

Куёш ҳасаддан ёнди, юлдуз қадалиб қолди,  
Баҳор ҳам йиғлаб олди, кўриб тоҷик қизларин.  
Тили эмас, дилини кўзларидан билиб олдим,  
Сўрамасдан қалбини, қалбимга боғлаб олдим.

Кимгадир алам солдим, севиб тоҷик қизларин.

## ҚОЗОҚ ҚИЗЛАРИ

*Қардош қозоқ қизлари,  
Бодом қовоқ күзлари,  
Ширмой нондек юзлари,  
Менга ёқар нозлари.*

*Юрагим олдингизлар,  
Не күйга солдингизлар,  
Бошқага қаролмайман,  
Сизларга айттолмайман.*

*Дүмбира чалса қизлари  
Нағмалари бошқача.  
Майды қадам излари,  
Бирам шириң сүзлари.*

*Оққышларни ўйнатиб,  
Үлан айтишин күринг.  
Юрагимни ўйнатиб,  
Күшиқ айтишин күринг.*

*Лўппи-лўппи юзлари,  
Қозоқ оға қизлари.  
Йўлдош нени күзлади,  
Манзилларин излади.*

## ЯРИМ БАХТИНГ ТҮЛДИРГИМ КЕЛДИ

Ярим бахтинг түлдиргим келди,  
Ғамғын юзинг күлдиргим келди.  
Бұлмаганни бүлдиргим келди,  
Дардим кимга айтайин энди.

Қорлы кунда ёзни истадинг,  
Саратонда баҳор истадинг.  
Шудир балқи менинг ҳаётим,  
Мен саҳродан гуллар истадим.

Бұлмаганга бўлишма деган,  
Наҳот умидимни иймонинг еган.  
Бошимга не савдолар соган,  
Яшаشدан қай умидим қолди.

Кемтик бахтни түлдириб бўлмас,  
Тожу таҳтинг эгаси бўлмас.  
Бахтим кулар, барчаси ўлмас,  
Ярим бахтинг мен билан тўлмас.

Ёз ёмғири ёғиб ўтиб кетади,  
Гуллар хазон бўлиб қариб кетади.  
Ёлғизликдан ким манзилга етади,  
Икки кўзинг ҳар бири ўзимга етади.

\* \* \*

Қимиз ичган йигитлар  
Бұза ичса бүзлайди.  
Қимрон ичган йигитлар  
Қатордан қиз излайди,  
Қимиз ичин йигитлар.

Қази еган йигитлар  
Тоғдан горни излайди.  
Този еган йигитлар  
Қайдан орин излайди,  
Қимрон ичин йигитлар.

Эр йигитга эл керак,  
Элнинг орин излайди.  
Йүлдош билар, от керак,  
Манзилини күзлайди,  
Бұза ичин йигитлар.

Қанот бүлган йигитга  
От минса қиз сүрайди.  
Вафоли бүлсін ёри,  
Хар қадам “изн” сүрайди,  
Бұса ичин йигитлар.

Қази еса йигитлар  
Илиги тұлиб пай бүлар.  
Осмонда бүлса булуаттар,  
Қүйнида сулуғ ой бүлар,  
Роса түлсін йигитлар.

\* \* \*

*Кўҳна чинор, танангда не армонларинг бор,  
Замондош сен билан бу кўҳна Дунё.  
Кувончу ғамларга шерик, гувоҳсан, чинор,  
Шохларинг синдиридиму ташвишли Дунё?*

*Соя излаганга паноҳ бўлган қўргоним,  
Куриган шохингдан қайнадиму қумғоним.  
Мусофиру дарвешга бўлдинг шоҳона Сарой,  
Мозийни сендан бошқа кимдан ҳам сўрай.*

*Булогингдан юзин ювди қанча ҳур пари,  
Қайси алплар дам олганди ўйнаб кўпкари.  
Қанча карвон ором олди манзили йироқ,  
Қанча ғам кўрдинг, ҳам дарду фироқ.*

*Сояларинг кимлар учун бўлганми тузоқ,  
Насиб қилмаган сендан бошқача кўрмоқ.  
Қайси гуноҳинг учун синганди шоҳинг,  
Кўҳна чинор, айтгин энди фарёдинг, оҳинг.*

*Шохларинг синдиришиди, сен ўсавердинг,  
Ғамдан ёрилди тананг, сен ўсавердинг.  
Ҳур замонлар келди, ўсавер, чинор,  
Бойсун тоғларида кўкарган минор.*

## ЎЗИНГ АСРА

Умринг ўтаверар, бирор мақсад үйк,  
Үйқуларинг тинч, әрта кунинг үйк.  
Икки нафсинг тий, сенга бало үйк,  
Дүнёни сув босса сенга фарқи үйк,  
Фофиллардан асрагин, Аллоҳ!

Аллоҳ сабр берди, имкон биттамас,  
Шукр құлмасанг, нафсинг ҳам түймас.  
Бахтдан адашған битта сен эмас,  
Ҳалол топмаганинг ҳаром бошқамас,  
Баднафслардан асрагин, Аллоҳ!

Сабр құлмасанг, магфират ҳам үйк,  
Меҳр билмасанг, муҳаббат ҳам үйк.  
Бугунни билмаганни әртаси ҳам үйк,  
Ҳақ үйлни изла, әрта-кечи үйк,  
Бесабрдан асрагин, Аллоҳ!

Ризқинг бутун бўлар, сабрли бўлсанг,  
Ҳамду сано айтиб, меҳрида бўлсанг.  
Садоқат ҳам бор, севги сеҳрини билсанг,  
Кам еб, кам десанг, кам құлмас, билсанг,  
Ношукрлардан асрагин, Аллоҳ!

Сабр билан топган ризқинг ош бўлсин,  
Меҳр билан топган ишқинг тош бўлсин.  
Умринг ярми тун бўлса, ярми кун бўлсин,  
Элига бўлмаса ҳам, уйга бош бўлсин,  
Инсоф бергин бандангга, Аллоҳ,

Инсофсизлардан асрагин, Аллоҳ!

## СЕН ІІДУСАН

Сен боғимсан меваларимнинг,  
 Сен гулимсан гулзорларимнинг,  
 Сен зоримсан озорларимнинг,  
 Сен ёғдусан губорларимнинг.

Қалбингда бұлған ҳар битта озор  
 Қиёматгача қолмасын дейман.  
 Ҳақ марҳаматига бўлиб интизор,  
 Эрта хазон бўлмайин дейман.

Бир гуноҳни қилсам мен тақрор,  
 Қабоқатдир бил, қиёматгача.  
 Бир гуноҳга минг тавба қилсам,  
 Марҳаматдир бил, қиёматгача.

Тақрор айтса тавба ҳам гуноҳ,  
 Аллоҳ билгувчи, ҳақ ўзи гувоҳ.  
 Богимни хазон қилмагин, э вое,  
 Гуноҳ қилиб бўлмайин гумроҳ.

Гадо бўлсанг ҳам кўнглинг доғ қилма,  
 Шоҳ бўлсанг ўзгалар кўнглин доғ қилма.  
 Фофил бўлма, боғ ярат, Йўлдош,  
 Гуноҳ қилиб кўнглинг доғ қилма.

## УМИД ЙОЛДУЗИ

Ойдан умиди йүқолғанда тун,  
Қуёши ҳам соғинмас ҳар кун.  
Кун күрмаган бир бағри бутун,  
Йолдуздан умидин узмади ҳар тун.

Тұнлар ғамидан койиган юлдуз  
Кундуз қуёшдан ор қилиб қолди.  
Еруғлигин олиб аламни кундуз  
Тұнлар бошига маломат солди.

Қалбіда бир шұбыла қолмаган,  
Түн күнларнинг зарбида қолди.  
Ою қуёш ҳам овутолмаган,  
Йолдузлардан умиди қолди.

Йолдуз санаб ўтган тұнлари,  
Қуёш бўлиб юлдуз порлади.  
Олов эмас, бир чўф бўлса бас,  
Ором бермай тұнлар хўрларди.

Умид юлдузларим, порлагин энди,  
Доруломон күнларнинг келди.  
Сабрсизлик қилмагин энди,  
Қалбинг ёруғ тұнларнинг келди.

\* \* \*

Дұстдан ўтсанг хафа бўлса,  
Қилган ишинг хато бўлса.  
Дигар сенга жигар бўлса,  
Ҳақдин ўзга дўст топмадим.

Оҳу зоринг ҳаққа етса,  
Хўрликларинг сендан кетса.  
Ҳожатингга раҳмат айтса,  
Дўстим хафа, мен айтмадим.

Эл оралаб сўзинг ўтса,  
Битмаганинг битиб қолса.  
Дўстинг сендан ҳасад қилса,  
Дўстим қайтди, мен қайтмадим.

Дўстим мендан зиёд бўлсин,  
Минганлари ғирот бўлсин.  
Курганлари работ бўлсин,  
Деган дўстни мен топмадим.

Дўст бўлсанг, бўл қиёматлик,  
Бир умрлик, зиёратлик.  
Иймонлик бўл, диёнатлик,  
«Расул» айтди, мен айтмадим.

## УКАЖОНЛАР

Жигар әдик, укажон,  
Келин келган кунгача.  
Әнди үзга «акажон»,  
Мард әдинг-ку түйгача.

Онанг бўлди бегона,  
Қариндошинг ягона.  
Дард келдиму бедаво,  
Үйлаб кўргин сен яна.

Омон бўлсин бошларинг,  
Бизсиз еган ошларинг.  
Тўкилмасин ёшларинг,  
Муборакдур хешларинг.

Донишманлар зикр қилган,  
Ярим нонга шукр қилган.  
Кеч бўлмасдан фикр қилгин,  
Ким сени ношукр қилган.

\* \* \*

Хүр диеёрийн изда борлигимиз ҳақ,  
Күп нохақлыклар күрганийн из ҳақ.  
Тарихимиз ёлғон, айтшишган нохақ,  
Болаларимиз ўргангани ҳақ.

Күзимизни боғлаб етаклашибди,  
Теракдек ўссак, бутоқлашибди.  
Ганимлар биз билан ўртоқлашибди,  
Оқни қора, қорани оқлашибди.

Үрганиб қолган эдик «ура-ура»га,  
Ризқимиз ийголмадик битта ўрага.  
Бошимизни эгдик қанча түрага,  
Байроғимиз ўтказ уйнинг түрига.

Мен кимлигимни боламдан билдим,  
Элимнинг улуғлигини эл аро билдим.  
Истиқтол бўлмаса, ёлғончи дунёдан  
Қадрим билмай, сўқир ўтишим билдим.

Кўзим очиқ кўр кетмай, болам,  
Билмаганим билдиргин, болам.  
Боболаринг кўрмай кетгани алам,  
Истиқболимиз агадий, болам.

\* \* \*

Тонгни ёлғиз күтиб олади,  
Юлдуз санаб туни ўтади.  
Күнлар маломатга кетади,  
Естиқ билан сұзлашган аёл!

Дард қалбини кемирса ҳам,  
Үз хатосин кечирмас ҳар тун.  
Болалари тушунар бир кун,  
Ёлғиз Аллоҳдан умидли аёл!

Энди дўсту меҳрибон ҳам кўп,  
Ўткинчи ваъдалар ҳам кўп.  
Үз қадрига йиғлар энди хўп,  
Тақдирига тан берган аёл!

Шундан бошқа йўқмиди синов,  
Дўстинг сенга бўлганида ёв.  
Сенинг ёринг бўлганида ов,  
Аллоҳдан сабр тилаган аёл!

Ёстиғингга дардингни ёздинг,  
Дўсту душманингга дастурхон ёздинг.  
Бугун тутдек тўкилиб, оздинг,  
Ҳақнинг ўзи асрраган аёл!

Ўтмишингга хаёл кетдиму,  
Оҳинг бориб ҳаққа етдиму,  
Фарзандларинг бўйга етдиму,  
Уларда бахтингни кўргин-да, АЁЛ!

## САБРСИЗ АЁЛ

*Күз очиб күрганинг қадамини ўп,  
Топмаса ҳам давлатингни кўп.  
Баракасин берар Аллоҳ,  
Қаноат қилсанг топганга, аёл!*

*Ҳавас қилма ўзгалар баҳтин,  
Мехр қўйма бўлса гар таҳтинг.  
Молу дунё бузади аҳдинг,  
Сабрли бўл, сабрсиз аёл!*

*Не-не маликалар дунёдан ўтди,  
Қасрлари қолди, ўzlари кетди.  
Етти иқлимга довруғи етди,  
Садоқатинг асрарин, аёл!*

*Ибо, ҳаё — бу тожу таҳтинг,  
Ор-номусинг — зар либосинг.  
Баҳтинг асли ёрингга аҳдинг,  
Қабоҳатга йўл олма, аёл!*

*Ҳавас етаклайди ҳасадга томон,  
Бир кунинг яхши, бир кунинг ёмон.  
Ёринг билан қолишинг гумон,  
Ёлғиз бўлиб қолмагин, аёл!*

*Зар-олмосинг борида хуш бор кўп бўлди,  
Гўзал ҳуснинг борида хушдор кўп бўлди.  
Бугун сенга ёлғиз ёстик дўст бўлди,  
Сенга ўхшамасин бошқа бир аёл!*

## ТҮРТЛИКЛАР

Тахтинг борида нақдни ўйладинг,  
 На бир ночор йўқни ўйладинг.  
 Ўзингга тенг билиб, тўқни ўйладинг,  
 Йиқилган кунинг ҳақни ўйладинг!

\* \* \*

Гул узатсам гуллардан гўзал,  
 Ойда ҳам доф бор, сен ундан гўзал.  
 Арилар лабингдан олганмикан бол,  
 Шунчалар кулиб боққанми иқбол.

\* \* \*

Ёлғон ваъда, жоним, бермайман.  
 Ҳазон қилиб гул ҳам бермайман.  
 Мехримни кўрсанг, қалбим сеники,  
 Қадрим билсанг, борим сеники.

\* \* \*

Ҳалқ бир уммон — дарёлари кўп,  
 Оқ сувию кўк суви, кўлмаклари кўп.  
 Сувга тупурган — азалий гуноҳ,  
 Салом бериб ирмоқларин ўп.

\* \* \*

Инсон боғ бўлса, боғбон ҳам ўзи,  
 Фарзанди гул бўлса, гулзор ҳам ўзи.  
 Аллоҳдан умидвор боқсалар кўзи,  
 Мехр-мурувват қилган ҳам ўзи.

\* \* \*

Дарё бўлиб оққинг келдиму,  
Уммонларга кетгинг келдиму.  
Балиқларга дардингни айтиб,  
Муродингга етгинг келдиму.

Мурғаккина сенинг қалбингга,  
Етмадиму ҳеч ким қадрингга.  
Дарё ўчирадиган олов ким олди,  
Уволингга энди ким қолди.

Дардингга биронни шерик қилмадинг,  
Айтиб бошқалар бағрин тилемадинг.  
Ёшгина бошингга шунчалар алам,  
Шафқатсиз солғанлар бормикан, болам.

Билмам, кимнинг күнглин ғашлаган,  
Сувга дардларин айтиб ташлаган.  
Қай иймонсиз бу йўлларга бошлаган,  
Қон йиғлатиб кўзларини ёшлаган.

Дарёларга сен ғамларинг айтдингму,  
Бўйга етмай бу дунёдан қайтдингму.  
Ота-она сени йўқлов байтини  
Минг бор титраб мозорингда айтдиму?!

## ХАР ТУНИНГНИ ҚАДР ҚИЛГИН

Борлигіда бутун нонлар увоқ бўлди,  
 Давлат келса бу сен учун озроқ бўлди,  
 Хайр-эҳсон, савоб сендан узоқ бўлди,  
 Барчасига ҲАҚнинг ўзи гувоҳ бўлди,  
 Ҳикмат ўқиб барчасига фикрат қилгин.

Кийган тўнинг эртасига тор келди,  
 Барча билан сұхбат қуриш ор келди,  
 Ўнта бору битта интизор келди,  
 Сен унумтган баъзан эътибор келди,  
 Дўст йўлида айтганларин зикр қилгин.

Чоригингни унумтмагин бой бўлсанг ҳам,  
 Ҳасад қилдинг куни келса ўзингдан ҳам,  
 Молу дунё нафсинг учун бўлди малҳам,  
 Давлат келса оқиб келсин томчилар ҳам,  
 Аллоҳ берган насибангга шукр қилгин.

Эътиқодинг, диёнатинг, молу дунё —  
 Тўртөв ора юролмайсан йўқса дунё,  
 Бир кам дунё — барчаси ҳам бўлмас рўё,  
 Икки дунёинг обод бўлур олсанг зиё,  
 Ҳақ йўлида илм олиб сабр қилгин.

Давру даврон сурганни ҳам олди замон,  
 Битта гадо қолмади-ку бўлиб ёмон,  
 У дунёдан бойман деган келмас забон,  
 Ким қаердан жой олади — ҳаққа аён,  
 Фоғил бўлмай ҳар тунингни қадр қилгин!!!

## ТҮРТЛИК

Дараҳтга тош отсанг меваси кетар,  
Меваси бўлмаса япроги, сояси кетар.  
Осмонга тош отсанг бошинг, ё қошинг кетар,  
Олма тушишин кутсанг, ёшинг, ҳам ошинг кетар.

## ЧИРОЙГА УЧМА

Кимнинг бахти очилиб кетди,  
Ким мурод-мақсадига етди.  
Барчасин ташлаб оламдан ўтди,  
Гүзалларга учган сендең нодонлар.

Сен осмонда эдинг, одамлар ерда,  
Сен қайдаю бизлар қаерда.  
Сув ичмадинг биз билан бирга,  
Ойларга учган сендең нодонлар.

Гүзаллардан сулуғ изладинг,  
Узимни сен деб, сени сизладим.  
Қалбимда борин-йүғин сұзладим,  
Осмонларда учдинг, сезмадинг.

Чиройли қошларига учма,  
Достон қилиб дардингни очма.  
Бахтингдан кечу ўзингдан кечма,  
Ўзингдан кечсанғ ҳам иймонаңдан кечма.

Ўз чиройинг душман ўзингга,  
Яхши-ёмон боқар ўзингга.  
Бир күн келиб қора күзинг ҳам  
Еқмай қолар сенинг ўзингга.

## БАХОР КЕЛДИ

Қорлар эриб, баҳор келди,  
Қышлар сайрап саҳар келди.  
Бойчечаклар бойланиб,  
Наврӯз бўлиб Наврӯз келди.

Офтоб чиқди елкамизга,  
Порлар юлдуз йўлимизда.  
Меҳмон бўлинг ўлкамизга,  
Наврӯз кулиб, Наврӯз келди.

Ҳар кунимиз Наврӯз бўлсин,  
Үйларимиз нурга тўлсин.  
Ҳар тунимиз Қадр бўлсин,  
Қадрин билиб Наврӯз келди.

Тун ҳам, кун ҳам бирга бўлди,  
Қизларимиз ойдек тўлди.  
Аллоҳ, нуринг бизга кулди,  
Наврӯз, бугун Наврӯз келди.

\* \* \*

Покиза қизларни күрсам ҳар сафар,  
Кафтимда күтариб юрсам мен дейман.  
Иболи күзларига боқиб тонг сахар,  
Номига номалар битайин дейман.

\* \* \*

Күзларингда күрсам дона ёш,  
Қалбим унга беролмас бардош.  
Юрак нидоларим қоғозга битиб,  
Сиз учун байтларин битади Йүлдош.

\* \* \*

Гуллар берай десам, гуллардан гүзал,  
Үт бўлиб ёнмоқда юрагим, берай.  
Зор эмасман, керакмас десанг,  
Айт, бўлмаса не, жонимни берай,  
Лол бўлиб туравер, сенсиз ҳам гүзал.

## СОЧЛАРИ УЗУН ҚИЗНИ СЕВАМАН

Аслида қизларнинг ёмонлари йүқ,  
Хар бир қизда биттадан юрак.  
Ҳали қизларни севолганим йүқ,  
Менинг севгим бошқача, бұлак,  
Мен иболи қизни севаман.

Қошларин терғанлар керакмас,  
Қошлар ўрнида соялари бор.  
Құшимча киприк изи керакмас,  
Қотған қаламнинг поялари бор,  
Мен ҳаёли қизни севаман.

Бүяған юзларинг керакмас,  
Чиройли сүзларинг бұлса бас.  
Чиройли сүзинг ҳам керакмас,  
Қалбларинг чиройли бұлса бас,  
Юраги пок қизни севаман.

Елканғда парилар сочингни силаб,  
Үйнарди, кесилди. Энди йүқ!  
Кесилған сочингни шайтонлар улаб,  
Сени етаклайди, күнгиллари түқ,  
Сочлари узун қизни севаман.

## СИНГЛИНГИЗДАН ХАБАР ОЛИНГ

*Ота борлиги тоғ бўлар экан,  
Она борлиги боғ бўлар экан.  
Улар бўлмаса доғ бўлар экан,  
Акаларга интизор қизлар.*

*Ўз уйига меҳмон бўлган,  
Ўзга уйда мезбон бўлган.  
Келмасангиз гулдай сўлган,  
Акаларни кутганда қизлар.*

*Сизсиз ҳам кунлари ўтар,  
Отмай қолмас, тонглар отар.  
Сизни кутиб кунлари ботар,  
Акаларга интизор қизлар.*

*Бирон ками йўқдир уйида,  
Дўсту ёрлар бўлар тўйида,  
Ғамгин бўлиб қолар уйида,  
Акалари келмаса қизлар.*

*Киши фарзанди аслида қизлар,  
Барибир интизор сизларга кўзлар.  
Келмаса ҳам бир бор уйига,  
Акаларга омонлик тилайди қизлар!*

## МАЖНУНТОЛ

*Келинлар таъзимни ўрганған сендан,  
Бошинг эгиклиги камчилик эмас.*

*Манманлық ва кибр узоқдур сендан,  
Учрашувга келишар ёнингга бирпас.*

*Севишганлар сирли сеҳрини билиб,  
Шохлари эгиліб қолгайдыр толнинг.  
Бир-бираидан қаттық ор қилиб,  
Уялиб қолишар биринчи бўсадан.*

*Биринчи учрашувга келган қизларнинг  
Эгиліб туриши, нозлари сенга ўтдиму?  
Ерни чизиб боққан кўзларнинг  
Гўзал нигоҳлари шохинг эгиг кетдиму?*

*Кокилини қирқ ўриб тараф,  
Етмаганига сендан қўшдиму?  
Ой тўлганда соchlарни ўраб,  
Икки бошни бирга қўшдингму?*

*Эгилмасин гуноҳдан бошинг,  
Бахтили бўлсин бу икки ёшинг.  
Чимирилмасин чиройли қошинг,  
Порлайверсин кўкда қуёшинг.*

*Бош эгаман мен ҳам, мажнунтол,  
Барчагамас, ким сўрса аҳвол.  
Мағрурликдан ииқилсанг беҳол,  
Сени кутар маъюс мажнунтол.*

## ЧИМИЛДИҚДА ЭГИЛДИ БОШ

Түйга келди қарию ёш  
Дастурхонда наҳори ош.  
Оғалари бўлганди бош,  
Чимилдиқда эгилди бош.

Уялишди, кўзларда ёш,  
Она эди ҳам кўзи ёш.  
Томогига тиқилди тош,  
Чимилдиқда эгилди бош.

Ота ўзи қолди бир бош,  
Ҳосиллари бўлганди лош.  
Кетишдилар еёлмай ош,  
Чимилдиқда эгилди бош.

Мен ҳам сенек бир кўнгли бўш,  
Маслаҳат бер, энди не хуш.  
Кўз ўйилди, бўялмай қош,  
Чимилдиқда эгилди бош.

Аллоҳ берсин сенга бардош,  
Қизинг асра бўлса ҳам ёш.  
Надоматда тўкма кўз ёш,  
Чимилдиқда эгилди бош.

## ЭХТИЁТ БҮЛ АЁЛЛАРГА

Сириңг айтсанг аёлингга,  
Эхтиёт бүл хаёлингга.

Қолиб кетма заволингга,  
Бош қолмасин уволингга.

Момом айтган аёл бошқа,  
Аёл бошқа, хаёл бошқа.  
Тушуради пашиа ошга,  
Тушиб қолсанг бағритошга.

Ота-онанг ов бүлади,  
Қариндошлар ёв бүлади.  
Шунда унинг бағри түлади,  
Дүстинг душман, ғаним кулади.

Сени қора ер қилади,  
Ҳамма сендан ор қилади.  
Бир күн сени хор қилади,  
Сириңг айтсанг аёлингга.

Аёлларнинг аёли бор,  
Фариштадек хаёли бор.  
Ҳам ибоси, ҳаёси бор,  
Жонинг берсанг бу аёлга.

## КАПАЛАК

*Бир кунинг бор умринг,  
Түғилғандан безандинг.  
Күрмадинг ҳам шудринг,  
Нозиккина капалак.*

*Гуллар сени излаб қолди,  
Қизим ҳам йиғлаб олди.  
Силамоқчиман уни,  
Деб қўлин тишлаб олди.*

*Сен ҳам мендек гулларга  
Ошиқлигинг билмадим.  
Борасанми чўлларга,  
Сен демагин, билмадим.*

*Қанотларинг силасам,  
Қўлларимни зар қилдинг.  
Энди қачон келасан,  
Топганимда зор қилдинг.*

*Гуллар мендан сўраса,  
Мен дейинму капалак.  
Қизлар мендан сўраса,  
Кани дейман капалак.*

## СЕВГИНИ ХОР ҚИЛМА!

*Севгингни хор қил, майли,  
Увол қилиб севгини эмас.  
Бүлмасанг ҳам Ширину Лайли,  
Сен ҳаётдан бүлмагин сармаст.*

*Бизгача ва биздан кейин ҳам,  
Дилдан севган бүлмадилар кам.  
Севги бор, севги муқаддас,  
Севолмасанг бас қил энди, бас.*

*Үзин севмаган үзгани севмас,  
Үйламайди ҳаттоки бир пас.  
Уммонда ийқолгандай хас,  
Күнгилхушлик ўтади бир пас.*

*Севгисиз яралмаган аслида дунё,  
Чумоли ҳам бүлмасди гүё.  
Үйлаганинг бүлмайди рүё,  
Айтмагин сен, бевафо дуне.*

*Сен үзингни сева олсанг бас,  
Ундан ўтиб ҳақни севсанг бас.  
Ҳақнинг ўзи қилмайди хор,  
Агар сенда бүлса ғуур, ор.*

## «НАНАЙГА БОР»

Тоғдан ошиб бордим Нанай,  
Мақтаган қизларин күрай.  
Жаннатнинг бир бўлаги бор,  
Бормаганлар зор, интизор.

Қизларига қаролмайсан,  
Тоғдан ошиб юролмайсан.  
Қизларининг нозлари кўп,  
Юрагингни беролмайсан.

Қизлар кулса, қайтиб кулар  
Кўшилишиб даъралари.  
Нигоҳидан бағринг тўлар,  
Пари ҳатто қарилари.

Лабларига қўниб кетган,  
Тоғнинг айёр арилари.  
Қизлари кўп бўйи етган,  
Нанайнинг ҳур парилари.

Ғам уларни четлаб ўтган,  
Кулгулари кўкка етган.  
Умид қилиб йўлга чиқиб,  
Кўплар уйига қайтиб кетган.

Кўролмасдан ҳур қизларни,  
Ярим йўлда лаби қотган.  
Тополмасдан изларини,  
Кўп йигитлар уйдан кетган.

## ҚАЛДИРГОЧ

*Баҳор келиб айвонимга  
Күчиб келди қалдирғоч.  
Жой күрсатай меҳмонимга,  
Пешайвондан бир қулоч.*

*Үй қуришди болахона,  
Ғиштдан эмас, синчданов.  
Менинг хонам тағхона,  
Күшни бўлдик, ҳамхона.*

*Хўроз моки бир бўлиб,  
Битиришди уйларин.  
Тез кунларда үй тўлиб,  
Қилди бола тўйларин.*

*Бешик тўйга қизим  
Кўшниларни чорлабди.  
Тўйга борибман мен ҳам,  
Куруқ келса қўймабди.*

*Яна келгин, қалдирғоч,  
Шу айвоним сеники.  
Торлик қиласа бу ёғоч,  
Қалбим тўри сеники.*

## ҚАЛБИНГ КУМУШ БҮЛСИН

Олтин, кумуш, барча зар,  
Дуру гавҳар, маржонлар,  
Бирор топса, бирор зор,  
Сизлар учун, аёллар.

Дунё-да, дунё қизиқ,  
Шоху гадо баробар.  
Тополмасанг зар тузук,  
Хаётинг бўлмас қизиқ.

Оғзи қийшиқ бўлса ҳам,  
Бойнинг қизи гапирсин.  
Пишган оши бўлар хом,  
Йўқликнинг куни қурсин.

Олтин билан одам бўлса,  
Иймон ўзи бўлмасди.  
Иймони олтин бўлса,  
Инсофисизлик бўлмасди.

Қалбинг бир кумуш бўлса,  
Сўзларинг дуру гавҳар.  
Зимистони қиши бўлса,  
Юзингда доим баҳор.

\* \* \*

*Үтди яхши замонлар, дер ғофиллар,  
Замона ёмон бўлди, дер ғанимлар.*

*Яхши ният — ярим давлат, дер софдиллар,  
Ҳали даврон сурар не-не пок диллар.*

*Бу замонни излаганлар руҳлари шод,  
Ўз элингда қул бўлганинг эсла шояд.*

*Нафсини деб ўйлаганлар, калтабинлар,  
Қай замонлар қандай ўтди, Аллоҳ билар.*

*Ёмон деманг, нодонларга инсоф берсин,  
Аҳмоқ деманг, лодонларга ақл кирсин.*

*Ер юзида зиёлиmas барча одам,  
Гиёҳ ўсмас ҳамма жойда, кезгин олам.*

*Минг қўишиба ҳар замонда бошчи бўлган,  
Бир қушчига минг бош бўлса кафан тўлган.*

*Ношукрлар бор замонда, ошни ошлаб,  
Тўйдирганни ўлдиришган бошни тошлаб.*

*Яхши бўлсанг ёмонликни ўйлама ҳеч,  
Йўлдош, сен ҳам кўзингни оч бўлмасдан кеч.*

\* \* \*

Хаётдан умидинг қолса,  
Боринггү йүғингни олса,  
Бошингга не балолар солса,  
Бир эслагин гүдак исини.

Дүстинг бугун ёвга айланса,  
Оёқ-қүлинг бирга бойланса,  
Сен йүқтансаң ҳаёт изини,  
Қайта ҳидла гүдак исини.

Хориб келсанг ҳар күн юмушдан,  
Бошинг чиқмай қолса ташвишдан.  
Сенга күч берар кетсанг ҳам ҳүшдан,  
Бир ҳидлагин гүдак исини.

Гуллар келтириңг гүдакли уйга,  
Хүшбүй анбарлар сепинг бүйига.  
Ҳаммаси бир ён бүлади уйда,  
Тенг келмайды гүдак исига.

Гүдакнинг иси — ошала қувончи,  
Авлод давоми — юрт таянчи.  
Аллоҳ берсін ўғилу қиз,  
Хаёт қизиги гүдакнинг иси.

\* \* \*

Тонгни кутаётган феруза юлдуз,  
У күкда, мен ердаман ёлғиз.  
Мен ерда, юлдуз күкда топмади,  
Мен тунда адашдим, у эса кундуз.

Тунда ҳамроҳ бўлди менга ой,  
Юлдузни йўқотди қуёш, йўқ чирой.  
У кундузга, мен тунга ёқмадим,  
Ярми кулиб, ярми куйиб боқди ой.

Қалбимдаги юлдуз билан сўзлашиб,  
Кўкда ойнинг ярми қора тун бўлди.  
Бир-бирига дардин айтиб бўзлашиб,  
Икки кўзим бир-бирига хун бўлди.

Юлдузларни хўрламагин, жон қуёш,  
Тунда иккимиз ҳамон сўққабош.  
Булутлар ҳам юлдуз учун тўқди ёш,  
Кўз ёшим йўқ, Аллоҳ берсин сабр-бардош.

\* \* \*

*Молини ўғирла, майли, зарларини олиб,  
Олиб кетгін борини құнжыннан солиб.  
Сен ақдингдан қайтмагин тониб,  
Үғирлаб кетма бирөв баҳтини.*

*Хазил қилғин, майли, унинг үзига,  
Гап келса қайтмагин айтған сүзига.  
Ёлғон меҳр билан боқиб күзига,  
Бирөв баҳтини ўғирлаб кетма.*

*Үзгалар ақдини бузма үзингни ўйлаб,  
Бегонага күзинг сузма ёр танлаб.  
Үз баҳтингни топмадинг, қүшдек донлаб,  
Бирөв баҳтини ўғирлаб кетма.*

*Сохта күз ёш билан күнглини олма,  
Ёлғон меҳриннеги қүйнега солма.  
Не-не балоларни бошига солиб,  
Бирөв баҳтини ўғирлаб кетма.*

*Баҳтдан адасса, бўлмайлик ҳамроҳ,  
Үзинг ақдинг бузиб, бўлмагин гумроҳ.  
Қалбини вайрон қилиб яшама, э-воҳ,  
Бирөвнинг қалбини қилмагин сиёҳ.*

## **ЮРТИМ ҚИЗЛАРИ**

*Бу дунё қувончлари,  
Ұзингиз сиз, әлим қизлари.  
Тұқылмасин күзда ёшлари,  
Кулиб юрсин юртим қизлари.*

*Бешигида дунё тебратган,  
Әшигидан бошлаб безатган.  
Мекхмонини кулиб кузатган,  
Фарыштали ҳур келинлари.*

*Омонатдек сақлар қизини,  
Номаҳрамдан асрар күзини.  
Фидо қылар ҳатто ўзини,  
Қизлар учун бизнинг оналар.*

*Бошин силаб неварасини,  
Күтиб яшар чеварасини.  
Күрмасам дер оворасини,  
Дуо қылар момоларимиз.*

*Күшни қиз ҳам бизнинг қизимиз,  
Асрайлик-да, у ҳам күзимиз.  
Танлашамиз куёв ўзимиз,  
Жигардан ҳам яқин қүшнимиз.  
Ана шундай бизнинг элимиз.*

## ТОНГ

Әзгу ният ҳам қувонч билан,  
Ҳар бир тонгни күтмаган ким бор.  
Ҳаққа айтиб ҳамду сано,  
Тонгга салом бермаган ким бор.

Расул айтган: — Тонгда турмаган,  
Омонликни Ҳақдан сүрмаган,  
Faфлат босиб сахар күрмаган,  
Ҳақ назарига олмаган ким бор.

Ҳатто қушлар сабоқ берган,  
Туни билан саёқ юрган.  
Шайтон ошдан товоқ берган,  
Тонгда ўзин унуган ким бор.

Таҳоратсиз боқма ўзингга,  
Ёмөн ниятинг қолдир изингга.  
Ҳақдан мағфират тилаб ўзига,  
Тонгни сахарда күтганга күн бор.

Сахар турмасанг ҳам, күнлар ўтади,  
Бүгүн насибанг сендан кетади.  
Чумоли ҳам ризқин териб ўтади,  
Үнүтмагин, ҳар күн учун бир хүн бор.

## ФҮР ЙИГИТЛАР

Мардлигини күз-күз қилар,  
Ваъдалари бир сўз бўлар.  
Сулувларнинг сочин силар,  
Тушларида фўр йигитлар.

Бир-бирига шўхлик қилар,  
Оч бўлса ҳам тўқдек бўлар.  
Қизлар ўтса бир гап қилар,  
Бир-бираидан шўх йигитлар.

Мўйловлари сабза урган,  
Юлдуз санаб кеч туришган.  
Қизлар кўрса сочин ўрган,  
Қаторлашиб қараб турган.

Қизлар боқса, соч тарашар,  
Имо қилиб, тик қарашар.  
Дўриллаган сўз ярашар,  
Бир қизга ўнта йигит талашар.

Бир йигитга битта қизнинг ўзи бас,  
Қизлар ўзи ноз қилишиб тинч қўймас.  
Йигитларни қийнаманглар, қизлар, бас,  
Фўр йигитни қўлга олиш ҳеч гапмас.

## ОРЛИ ҚИЗ

Шүх-шодон бир қиз боламан,  
Қирқ нози бор Шаҳнозаман.  
Худо хоҳласа, яхши келин бўламан,  
Сизлар учун достонлар ҳам ёзаман.

Шүх-шодон нозларимни қўяман,  
Мехр билан қадам қўйиб останага.  
Шу юрт учун ўз жонимни бераман,  
Халқим учун бир фидойи бўламан.

Керак бўлса мард йигитлар лол қолсин,  
Оғзи очилиб, тилларида бол қолсин.  
Шаҳноза қиз, пок қиз, деган ном қолсин,  
Орзулари бир дунё қиз бўламан.

Йигитлари орли бўлсин элимнинг,  
Ҳар бир қизи ёрли бўлсин элимнинг.  
Кийганлари зарли бўлсин элимнинг,  
Шаҳноза ҳам бори бўлсин элимнинг.

## ЗУЛФИНГ ҚАНИ, ЗУЛФИНГ НОЛАСИ

Юзингни яшириб кокилинг,  
Хуснингга зеб берарди зулфинг.  
Киркта ўрилиб сочларинг,  
Жамолингни очарди зулфинг.

Кокилларинг музлатиб қўйиб,  
Кийдиришди юзингга ниқоб.  
Кесилгандан қолгани куйиб,  
Куймаганни қилдилар хароб.

Жамалакнинг суратин кўриб,  
Сочларинг ўзин қурбон қилдилар.  
Ўз рангини бошқача қилиб,  
Ҳофизни безабон қилдилар.

Кирқ кокилга ашъорлар битиб,  
Зулфинг соясига достон ёзарди.  
Қай манзилга етдинг, соч кесиб,  
Ҳар толасига шеърлар ёзарди.

Соч ўрнида елкага нигоҳ  
Қарамасдан ўтиб бўлмайди.  
Зулфинг ўрнида нимадир, э вое,  
Қарашингдан кўнглим тўлмайди.

## ОТ МИНГАН ЙИГИТЛАР

*От минган йигитнинг  
Юраги бод бұлмайды.  
Фурури бор йигитнинг  
Ватани ёт бұлмайды.*

*Жийрон минган йигитлар  
Манзилга тез етади.  
Бахтдан тинган йигитлар  
Даврон суріб ўтади.*

*Түриқ минган йигитлар  
Эл корига ярайди.  
Бұз от минган йигитлар  
Ұз манзилига қарайды.*

*Фиромин минган йигитлар  
Чамбилдан ор излайды.  
Күнгли синган йигитлар  
Ерин излаб бұзлады.*

*Отдан тушган йигитлар  
Зоддан тушмасин элда.  
Зоддан тушган йигитлар  
Тилдан тушмасин элда.*

## САЛОМ БЕРГИН

Ойга боқма от минганда,  
Нақдинг бўлиб сен тинганда.  
Кулиб ўтма дўст синганда,  
От минганлар салом берсин.

Расулуллоҳ тайин қилди,  
Ҳақнинг ўзи изн берди.  
Қояни ҳам майин қилди,  
Тоғ бўлсанг ҳам салом бергин.

Мева берсанг миннат қилма,  
Миннат қилиб бағрин тилма.  
Мевасизга ҳазар қилма,  
Боғ бўлсанг ҳам салом бергин.

Бир хил қара бору йўққа,  
Эргашмагин фақат тўққа.  
Тобуткашинг кимлар, билгин,  
Чоҳ бўлсанг ҳам салом бергин.

Дард келганда сабр қилгин,  
Нақд келганда шукр қилгин.  
Бу дунё бир синов, билгин,  
Доғ бўлсанг ҳам салом бергин.

## ДУГОНАЛАР

Дугона қизлар, келинг даврага,  
Биз үйнайверамиз ҳатто доирага.  
Тинчлик куйимиз оламга ёққан,  
Сиз чаққонми, биз чаққон.

Күшиғимиз куйимизга ярашар,  
Завәқланышыб дүстлар бизга қарашиб.  
Қалб сүзлари бугун дарёдек оқар,  
Сиз чаққонми, биз чаққон.

Келинг, бирга куйлашайлык, дугона,  
Яна бизга кулишмасын бегона.  
Гул беришди бизга бугун бир дона,  
Келгусида сиз енгасиз, дугона.

\* \* \*

Дилимни вайрон этди  
Икки қиз, икки қирмиз.  
Лол қилиб ташлаб кетди,  
Қолдик юрак иккимиз.

У ёнда юрак, бир ёнда мен,  
Зориқиб қолдик, иккиси бўлак.  
Алдаб мени ташлаб кетдинг сен,  
Энди ҳеч кимга ишонмасам керак.

Ҳаловатим йўқ, йўқдир оромим,  
Дардларимга ҳеч топмадим даво.  
Ишон менга, ишон, нигорим,  
Лек ёмонликни кўрмасман раво.

Фақат бошларинг омон бўлса бас,  
У ҳам меҳр излаган юрак.  
Зорларим бору менга зор эмас,  
Айтинглар, мен кимга ҳам керак.

Мұхаббатим софдир, ишонинг,  
Ұялтириб қўймайман сизни.  
Хаёлимда фақат ўзингиз,  
Алмаштирмам ҳеч кимга сизни.

Бахтли бўлсак бўлди ҳаётда,  
Бевафолик бўлсин бегона.  
Агар сизга хиёнат қилсанам,  
То қиёматгача қолай ягона.

\* \* \*

Суратинг қўлимда, йўқ қўлимдамас,  
Юрак қатларида қолди, нигорим.  
Юрагим қалбимда, қўлимда эмас,  
Сен уни олиб кетдинг, нигорим.

Кўзимга кўринса бирон бир малак,  
Қалбим зор йиглайди, аламда юрак.  
Бу не кўргиликдур, менга, эй фалак,  
Менга азоб борму бундан ҳам бўлак.

Гуллар териб келдим мен боғларингдан,  
Ҳар бир япроғида сенинг суратинг.  
Гулларни бағримга боссам мен аста,  
Суратинг қўлимда, юрагим хаста.

Тунлари қўёлмасман ёстиғимга бош,  
Уйқу бегона, оромларим йўқ.  
Гулларга термуламан, кўзларимда ёш,  
Суратинг қўлимда, нигоҳларинг ўқ.

Бүркүн мен сөбүл коласыз

\* \* \*

*Хар сафар сенга боқсам, нилуфар,  
Бутун ер юзини сув босса дейман.  
Заминда жой йүк бўлса сенга,  
Кафтимда кўтариб кўкартсам дейман.*

*Доимо ёз бўлсин сенга, нилуфар,  
Орзумандлар бўлсин сенга ҳавасда.  
Шоирлар байтларин битиб ҳар сафар,  
Пайваста қалб билан қайтишсин аста.*

## ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК!

*Балогатга етди Истиқлол,  
Дадил қадамлар ташлайди энди.  
Юртимга кулиб боқсинг-да иқбол,  
Мустақил элим, давронинг келди.*

*Бебошлигинг орқага ташла,  
Элингга қайт, шеригинг бошла.  
Жаҳон таниган алларимиз бор,  
Ўтиб кетди қанчалар губор.*

*Тарихинг узок, истиқлонинг ёш,  
Иймонинг бош, Исломинг бош.  
Ватанга зор бўлиб тўкмагин ёш,  
Ёшлар диёрига қўшгин энди бош.*

*Оталарга тенглашган диёр,  
Ўн олти ёшинг муборак бўлсин.  
Дунё таниди, қанча дўсту ёр,  
Истиқболинг агадий кулсин.*

*Жалолиддин туғини олдинг қўлингга,  
Хизр йўлдош бўлсин доим йўлингга.  
Соҳибқирон камари бугун белингда,  
Муносиб бўлгин энди элингга.*

## КҮЙ СЕХРИ

Тұнлари сени изладим, наво,  
Дардларимга ўзинг бұл даво.  
Бүгзимга тиқилди ҳаво,  
Дард қайдан келди бедаво.

Күй бўлиб инграндинг, сен нола,  
Бошимга ёғилса, ноладан жала.  
Сабрим чидаб қилсам ҳафсала,  
Наво юрагимга беради даво.

Наво излаб ахтармагин соз,  
Даво излаб қалбинг тингла оз.  
Юрак нолаларин тингласанг бир оз,  
Қалбимдан бошланар мумтоз.

Күй сехридан болга айланди оғу,  
Дараларни йиғлатди қояда оху.  
Сенга интизор бўламан гоҳи,  
Сен борсан, кетади юрагим оҳи.

Баъзан мен билан бирга йиғладинг,  
Баъзан созингга сен ҳам сиғмадинг.  
Баъзан уйқумда ҳам хұрсиниб,  
Созга қўшилиб мен ҳам йиғладим.

## ЯРИМ БАХТИНГИЗ ТҮЛСИН, ОНАЖОН!

Сизга достон бита олмадим,  
Юрак сүзларимни айта олмадим.  
Қадоқ қўлингизга тикилиб туриб,  
Сабрдан бошқасига ўта олмадим.

Кошона қасрингиз бир ўтov бўлди,  
Қувониб минганингиз от-улов бўлди.  
Қалбингизда ўтиh бир олов бўлди,  
Аллоҳ ёру, баъзи дўстлар ёв бўлди.

Ўчоқ ўчса ҳам, чироқ ўчмади,  
Дардлар кетди, фироқ кўчмади.  
Қалбингизда дард-қуроқ ўчмади,  
Аллоҳ, қўлласин, чироқ ўчмайди.

Қизлар — баҳтингиз, ўғил — таҳтингиз,  
Отам руҳи шод, бор не аҳдингиз.  
Аллоҳдан умидин узмаган, онам,  
Тўлсин-да энди, ярим баҳтингиз.

## Мундарижа

Бир күн келиб севиб қоларсиз .....	4
Зулфинг билан ўйна бирпас .....	5
Азиз онажонлар .....	6
Чирчиқ .....	7
Бундай даврон қайда бор эди .....	8
Хўрлик кўрмайлик .....	9
Бори билан Аллоҳ асрасин .....	10
Истиқлол абадий келди .....	11
Умидвор бўлиб яшайман .....	12
Ғоғиллардан огоҳ бўлинг .....	14
... Ярим йўлда қолиб кетди .....	15
Муҳаббатинг сочилиб кетди .....	16
Мозийга қара .....	17
Кўрмаганинг кўргани қурсин .....	18
Тўртликлар .....	19
Тушда изладим .....	20
Муҳаббат .....	21
Тўртликлар .....	22
Севишинги ўзи ярим баҳт .....	23
Бола — азиз, одоби ундан азиз .....	24
Отам армонлари .....	25
Тўртликлар .....	27
Ҳаё либосингиз бўлсин .....	28
Тоёсик қизлари .....	29
Қозоқ қизлари .....	30
Ярим баҳтинг тўлдиргим келди .....	31
Ўзинг асра .....	34
Сен ёғдусан .....	35
Умид юлдузи .....	36
Укажонлар .....	38
Сабрсиз аёл .....	41
Тўртликлар .....	42
Ҳар тунингни қадр қилгин .....	44
Тўртлик .....	45

Чиройга учма .....	46
Баҳор келди .....	47
Сочлари узун қизни севаман .....	49
Синглингиздан хабар олинг .....	50
Мажсунтотол .....	51
Чимилдиқда эгилди бош .....	52
Эхтиёт бўл аёлларга .....	53
Капалак .....	54
Севгини хор қилма .....	55
«Нанайга бор» .....	56
Қалдирғоч .....	57
Қалбинг кумуш бўлсин .....	58
Юртим қизлари .....	63
Тонг .....	64
Fўр йигитлар .....	65
Орли қиз .....	66
Зулфинг қани, Зулфинг ноласи .....	67
От минган йигитлар .....	68
Салом бергин .....	69
Дугоналар .....	70
Истиқтолинг муборак .....	74
Куй сехри .....	75
Ярим баҳтингиз тўлсин, онажон!	76

*Адабий-бадиий нашр*

**ЙҮЛДОШ ЖУМАЕВ**

**БИР КУН МЕНИ  
СЕВИБ ҚОЛАСИЗ**

*Шеърлар*

*Мұхаррір: Ю. ЖҮРАЕВ*

*Бадиий мұхаррір: Б. АБДУНАЗАРОВ*

*Мусахұм: Х. НУРМУХАММЕДОВА*

*Матн төрүвчи: ШАҲНОЗА САЛИЕВА*

*Босишига 08.10.2007 йилда рухсат этилди.*

*Бичими 84x108 1/32.*

*Босма табоги 2,5. Шартли босма табоги 4,20.*

*Адади 1000 нусха. Буюртма № 234.*

*Баҳоси келишишган нархда.*

*«Янги аср авлоди» нашириёт-матбая марказида тайёрланди.*

*«Yoshlar matbuot» босмахонасида босилди.*

*700113. Тошкент шаҳри. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси 60.*